

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2022 йил
20 май,
жума
№ 21 (899)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 май куни геология соҳасини янада ривожлантириш, фойдали маъданлар ва ерости суви захираларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Сўнгги йилларда юртимиз геологияси ҳам илм, ҳам технология жиҳатидан кучайтирилгани натижасида қидирув ишларининг қамрови кенгайди, ерости бойликларининг янги захиралари аниқланди. Уларга асосланиб, йирик корхоналар қурилмоқда, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, уран бўйича 27 та янги кон очилиб, барқарор хомашё базаси яратилди. Лекин соҳадаги имкониятлар анча кўп. Шу боис давлатимиз раҳбари нодир ва ноёб металл қазиб олиш ҳажмини ошириш бўйича топшириқ берган эди.

Тақдимотда мутасаддилар шу борада ишлаб чиқилган режалар юзасидан ахборот берди. Унга кўра, умумий қиймати 182 миллион долларлик 14 лойиҳа шакллантирилган.

Президентимиз бу лойиҳалар билан чегараланмасдан, юқорида марра

олиш кераклигини таъкидлади.

Шу мақсадда, 2022-2026 йилларда геология-қидирув ишларини амалга ошириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу дастурда 8 та янги кон ва 18 та истиқболли майдон ҳисобига уран захирасини ошириш, замонавий бурғилаш ускуналарини олиб келиш, рақамли геология моделини яратиш кўзда тутилади.

Шунингдек, "Навоийуран" давлат корхонасини трансформация қилиш, хорижий мутахассисларни жалб этиб, технологик жараёнларни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Уран захирасини халқор стандартларга мувофиқ баҳолаш, сўнгги технологиялар асосида рудадан урани ажратиш олиш даражасини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Тақдимотда истиқболли конларни тайёрлаш ва уларга инвесторларни жалб қилишга оид тақлиф ҳам қўриб чикилди. Унга кўра, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси хузурида "Янги кон" лойиҳа офиси ташкил этиш, унинг устав капиталига 15 миллион доллар ажратиш мўлжалланган. Бу лойиҳа

офиси литий, алюминий, магний, графит ва бошқа нодир металлларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширади.

Давлатимиз раҳбари жаҳон бозорида уран нархи барқарор ўсиб бораётгани, янги лойиҳаларда бу хомашёни қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратишга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Албатта, бунинг учун малакали кадрлар ҳам зарур. Шу боис Президентимиз ташаббус билан Геология фанлари университетини ташкил этилган эди. Навоий кончили институтига университет мақоми берилди. Италиянинг Пиза ҳамда Россиянинг Санкт-Петербург кончилик университетлари билан қўшма дастурлар тузилди.

Лекин, замонавий билимга эга, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни яхши ўзлаштирган ўрта бўгин мутахассисларни тайёрлаш султ. Жумладан, биргина Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида йилга 300 дан ортиқ ўрта бўгин мутахассисларга эҳтиёж бор.

Шу боис Зарафшон, Ангрен ва

Фузордаги техникумларда геологияга ихтисослашган йўналишларни кўпайтириб, малакали ишчилар тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Ўтган йили мамлакатимизда мис саноати кластери ташкил этилган эди. Дастурга кўра, мис ишлаб чиқаришни ягона "занжир" асосида 2 бараварга кўпайтириб, 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш режа қилинган.

Тақдимотда шу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам ҳисобот берилди.

Маълумки, минтақамиздаги энг долзарб муаммолардан бири бу — сув танқислиги. Бундай шароитда ерости сувидан ақл билан фойдаланиш зарур. Афсуски, сўнгги йилларда ерости сувининг сатҳи юртимиздаги 13 та туманда 5 метрга, 9 та туманда 20 метрга пасайган.

Шу боис Президентимиз мутасадди ташкилотларга ерости суви захираларини кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

ЎЗА

Ҳуқуқий маърифат

Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар

уларни судда кўришга оид янги қонуннинг мазмун-моҳияти



Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратилмоқда. Бу борада хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик ҳолатини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. (Давоми 3-бетда) ▶

Қонун кўмаги

Ҳал этилган низо

ёхуд шартнома шартлари ижроси



Ҳаётда ҳар бир нарсанинг тартиб-таомили бўлгани каби пеня ундиришнинг ҳам муайян талаблари мавжуд. Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, қайси ҳолатларга айбдордан пеня ундирилади? Қолаверса, кафилик шартномаси билан боғлиқ муносабатларга қарздор ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда, кредитор кафилик ҳисобидан пеняни сўзсиз (акцептсиз) равишда ундириб олиши мумкинми? Ушбу саволларга сўз амалиётини таҳлил қилиш орқали жавоб топши мумкин.

Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти бошқармаси "Оқолтин дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти манфаатини кўзлаб, "Агробанк"нинг Сирдарё вилояти бошқармаси ҳисобидан 1 798 159 619 сўм зарар ва 216 296 262 сўм жа-

рима ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритган.

Иш ҳужжатларига кўра, банк ва галла етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасида 2020 йилда бир нечта кредит шартномалари имзоланган.

(Давоми 2-бетда) ▶

МАҲАЛЛА — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ НОЁБ ИНСТИТУТИ

"Ижтимоий фикр" республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази "Ўзбекистонликлар маҳалла ҳақида: тасавурулар ва умидлар" мавзусида телефон сўрови ўтказди, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисида респондентларнинг фикри ўрганилди, ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз тасарруфидаги ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этиши самарадорлигига аҳоли томонидан берилган баҳо аниқланди.

Тақдимотда мамлакат барча минтақаларининг аҳолиси, эркаклар ва хотин-қизлар, ёшлар, ўрта ва катта ёшдаги фуқаролар, турли миллатлар ва ижтимоий қатламлар вакиллари иштирок этди.

Тақдиқот давомида олинган натижалар жамоатчилик фикрида маҳалла институти давлат ва жамиятнинг, ҳар бир фуқаронини бирлаштирувчи муҳим бўгин ҳисоблангани ҳақидаги тасавур етакчилик қилишини тасдиқлади. Ўзбекистонликлар маҳалла фуқароларининг ўзини

ўзи бошқариш органи сифатида аҳолининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга ҳисса қўшади. Шунингдек, у аҳолининг долзарб масалаларини ҳал қилишда, муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг у ёки бу қоидаларини амалга оширишда фуқаролар ва давлат тузилмаларининг вакиллари ўртасида ўзига хос "кўп-рик" вазифасини ўтайди, деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистонда маҳалла аҳолининг бандлигини таъминлашда, жамиятда оила пойдевори ва барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда кўмаклашади, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат ишларини ташкил этади, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлайди, байрамлар ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирларни ташкил этади.

Тақдиқот давомида замонавий маҳалла қандай бўлиши, у Янги Ўзбекистонда қандай вазифаларни бажариши кераклиги ҳақида фуқароларнинг фикри аниқланди. Олинган



маълумотларга кўра, 45,2 фоиз фуқароларнинг онгида маҳалла — бу халқимизнинг асраб-авайлашиб, келгуси авлодларга етказилиши лозим бўлган бойлиқдир, замонавий маҳалла оилалар, ёшлар, аёллар, кекса фуқароларни қўллаб-қувватлаши, барча турдаги ёрдамни, жумладан, аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий заиф қатламларига моддий ёрдам кўрсатиши керак.

37 фоиз сўров иштирокчиларининг фикрига кўра, замонавий маҳалла — бу халқ билан давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга оширувчи фуқароларнинг энг самарали ўзини ўзи

бошқариш органи. Респондентларнинг фикрича, маҳалла аҳолининг долзарб муаммоларини ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилиш майдончасига айланиши, фуқароларни давлат бошқарувида жалб қилишга ёрдам бериши ва уларнинг қарорлар қабул қилишдаги иштироки даражасини ошириши, шунингдек, ҳукумат билан жамият ўртасида тўлақонли мулоқотни таъминлаши керак.

Телефон сўрови давомида 37,4 фоиз фуқаролар замонавий маҳалла — бу қишлоқ, шаҳарча, овул, микротуман, шаҳар чегарасидаги муайян ҳудуд аҳолисининг бирлашмаси бўлиб,

(Давоми 2-бетда) ▶

Моҳият

Янги қонун

кўп квартиралли уйлари бошқаришга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган

Мамлакатимизда кўп квартиралли уйлари бошқариш соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада ҳуқуқий асосларни бугунги кун талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг йиғирма бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан "Кўп квартиралли уйлари бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун атрафлича муҳокама қилиниб, маъқулланди.



(Давоми 3-бетда) ▶

Фаолият мезони

Ассосиз ҳисобланган тўлов

судда тадбиркор фойдасига ҳал этилди

Иқтисодий сўз ашларини юртишининг ассосиз вазифаларидан бири иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқилмаган манфаатларини ҳимоя қилишда иборат. Бу жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.



Шу ўринда иқтисодий судлар томонидан тадбиркорлар билан давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ўртасидаги низоларни қўриб қиқишда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги тамойилига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш зарур.

Бунга Қашқадарё вилояти

божхона бошқармаси ва "CHUDESА SVETA" хусусий корхонаси ўртасида келиб чиққан низонинг қонуний ечимини ҳам мисол бўла олади.

Айтиш ўринлики, божхона идоралари ва тадбиркорлар ўртасида юзага келадиган даъволар шунчаки оддий низо эмас. Бунда ишни кўрувчи судьядан соҳага оид биргина кодекс ёки қонунини эмас, балки қўллаб қонун ва меъёрий ҳужжатларни пухта билиш, тарафларнинг вазиларини батафсил ўрганиш, иш ҳужжатларини синчилаб текшириш талаб этилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўтган йилнинг 28 апрель куни ярим кечаси Самарқанд шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг 6-сонли ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига икки аёл шошилган куйи кириб келди. Аёллардан бири айниқса, жуда ташвишли қиёфада, афтидан, у алланисидан қаттиқ қўрқувга тушган эди.

Жиноят ва жазо

ҒАРАЗЛИ ИХТИЛОФ

Нихоят, у бироз нафасини ростлаб олган, ўзини Зоҳида Болиқулова (исм-шарифлар ўзгартирилди), ёнидаги аёлни онам, — дея таништирди: — Турмуш ўртоғим йўқолиб қолди, топишда ёрдам беринглар. Икки кундан буён ҳеч қаерда йўқ, кўнғирок қилсам, телефони ўчирилган...

Бўлимнинг жиноят қидирув гуруҳи тезкор вакили З.Имомназаров З.Болиқуловдан турмуш ўртоғининг қаерга, нима мақсадда кетиши мумкинлиги, таниши қимлар экани, қандай муаммоси борлигини

батафсил сўраб олди.

— 26 апрель куни тобим қочиб қолгани туфайли соат йиғирмаларда шифокорга учрашиб, таксида уйга қайтдик, — деди З.Болиқулова. — Йўлда эрим Бекзод исмли киши билан телефонда гаплашди. Улар Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали дарвозаси олдида учрашишга келишиди. Шундан сўнг эрим мени уйда қолдириб, таксида Бекзод билан учрашгани кетганди.

З.Болиқулованинг айтишича, у ўша тунда эрининг келишини кутиб ўтирган. Вақт алламаҳал бўлса-да, эри уйга қайтмаган. Кўнғирок қилса, телефони ўчирилган.

Бўёғини сўрасангиз, З.Болиқулова ички ишлар идорасига келишидан олдин эри Бекзод деган кимса билан учрашишга ваъдалашган манзилга ҳам борганди. Унинг хавотирга тушганича бор экан, чунки ўша атрафдаги одамлардан сўраб-суриштирганида кимдир икки кун аввал соат йиғирма бирларда бу жойда қандайдир жанжал, бақир-чақир содир бўлганини айтса, бошқа биров "тўрт киши бир бечорани уриб-тепилаб, чалажон аҳволда машинага ортиб кетишди" деди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мозийдан садо

Дунё хирожига тенг жавоҳир

Бугун дунёнинг турли ҳудудларида халқимиз тарихига дахлдор ноёб бойликлар, бебаҳо хазиналар, моддий ва маънавий мерос намуналари сақланмоқда. Шулардан бири Буюк Британиянинг қироллик саройида сақланаётган, бир пайтлар Соҳибқирон Амир Темурга тегишли бўлган қимматбаҳо тош — "Темур ёқути"дир. 361 қарат (72 грамм) вазнига эга бўлган бу тош кўпчилик мутахассисларнинг айтишича, аслида ёқут эмас, балки лаъл (жавоҳир) саналади. У ўз даврида жуда юқори нархларга баҳолангани учун ўрта асрларда "Хирожия олам", яъни дунёнинг хирожига тенг тош, деб ҳам номланган.

Албатта, ҳар бир қимматбаҳо тошнинг ўзига яраша тарихи бор. "Темур ёқути" ҳам асрлар давомида турли талотўлларга, ҳатто қонли қирғинларга сабабчи бўлиб келган. Жавоҳирда турли даврларда моҳир заргар ва ҳаттотлар томонидан ўйиб ёзилган олти ҳукмдор (Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Шоҳ Аббос, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аҳмадшоҳ) номини учратиш мумкин бўлса-да, аслида у ўнлаб сулолалар ва ҳукмдорларнинг қўлида сақланиб келган. У ҳақида турли хил афсона ва ривоятлар ҳам тўқилган.

Маълумотларга кўра, бу жавоҳир узок муддат Сиам (ҳозирги Таиланд) қиролининг




мулки бўлиб келган ва кейинчалик қайсидир йўл билан Дехлига олиб келинган.

(Давоми 4-бетда) ▶

Қонун кўмағи

Ҳал этилган низо



Эҳуд шартнома шартлари ижроси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шартнома шартларига кўра, банк фермер ҳўжаликларига...

си ҳисобидан тўлов талабномалари асосида ундириб...

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Олигинг натижалар бугунги кунда маҳалла одамлар ҳаётининг акралмас қисмига айланганини...

МАҲАЛЛА — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ НОЁБ ИНСТИТУТИ

жамиятга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг муаммолари ҳамда масалаларини...

фоиз респондентларнинг фикрига кўра, булар — одамларга ёрдам кўрсатишдан манфаатдор, самимий, бегараз ва инсофли, жамият ва давлат манфаати учун ишлайдиган кишилардир.

ошириш, маҳалларда аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш, янги корхоналар, хизмат кўрсатиш ва савдо объектларини ишга тушириш орқали янги иш ўринлари яратиш зарур.

ҳаёт асосларини таъминлаш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, жамиятда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва тотувлик муҳитини вужудга келтириш масалаларига ҳалдор самарали қарорлар қабул қилмоқда, шуниингдек, ёш авлодни тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш вазифаларини самарали бажармоқда", деган фикр етакчилик қилади.

Фаолият мезони Ассосиз ҳисобланган тўлов судда тадбиркор фойдасига ҳал этилди

Энди бевосита воқеа тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси Косон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб...

Бироқ Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2006 йил 14 ноябрдаги НН-01/19-6375-сонли хатида Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқ Гонконг ва Тайванга ишлаб чиқарилган товарлар Хитой давлатида ишлаб чиқарилган, деб ҳисобланмаслиги ва ушбу товарларга нисбатан энг кўп қулайлик режими қўлланилмаслиги маълум қилинган.

канини инобатга олмаслик ва бунинг натижасида 43.664.621,43 сўмлик божхона божи, 6.549.693,2 сўмлик қўшимча қиймат солиғи — жами 50.214.314,7 сўм миқдоридида божхона тўловини тўлаши зарур, деган ҳулосага келган.

даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри ҳулосага келган. Шу боис судлов ҳайъати апелляция шикоятини қаноатлантириш, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги қарор қабул қилиш, Қашқадарё вилояти божхона бошқармасининг даъво талабини қаноатлантиришнинг рад этиш ва "CHUDESA SVETA" хусусий корхонаси фойдасига 502.143 сўм давлат божи, 21.600 сўм почта харажати ундириш зарур, деган тўхтамага келди.

Шу тарихта тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлган хусусий корхонанинг ҳуқуқи ишончли Ҳимоя қилинди. Бу мамлакатимизда тадбиркорлик ҳуқуқларининг устуворлиги тамойилига қатъий риоя этилаётганидан далолатдир.

Акмал АРЗИЕВ, Қашқадарё вилояти суди судьяси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу гап-сўзларни эшитиб, баттар ваҳимага тушган С.Боликулова онаси билан бирга шоша-пиша ички ишлар идорасига йўл олганди.

динлашди... Кузатов камерасидаги тасвирлардан кўринишича, ўша оқшом Республика шошилчи тез тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали дарвозаси яқинига аввал оқ рангли "Спарк" русумли автоташна машина келиб тўхтади.

зод топилса, ҳаммаса осон кўчади, бу жиноят тезда очирилиши аниқ эди. Шундан сўнг тезкор ходимлар зудлик билан ишга киришди. Тез орада Бекзоднинг шахси аниқлангач, унинг кўл телефони рақамини топиш унчалик қийин бўлмади. Шундан сўнг ортиқча ваҳима уйғунотмаслик мақсадида ундан ички ишлар бўлимига келиб кетишини илтимос қилишди.

Жиноят ишида жабрланувчи сифатида эътироф этилган Б.Мирзажонов 2016 йилда хорижга ишга борганда, жиноят содир этиб, жиноий жавобгарликка тортилди. У жазони ўташ жараёнида самарқандлик "Амир" ва "Искандар" деган кишилардан Самарқанд шахрида яшаيدиган жиноят оламида "Макар" лақаби билан танилган Машраб Жонқобилов ҳақида эшитиб қолади.

Жиноят ва жазо ҒАРАЗЛИ

тида Б.Мирзажоновга агар кўл остида яхши ишласа, келгусида катта миқдорда пул маблағи ёки автомашина, уй ва савдо дўкони олиб бериши ваъда қилади.

Элёр СОИБНАЗАРОВ, Сирдарё вилояти суди судьяси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Нуфузли, малакали арбитраж давлатнинг халқаро ишбилармонлик муҳитида обрў-этиборини мустаҳкамлайди. Бу ўз навбатида, иқтисодий-ни барқарорлаштиришга, жумладан, қулай инвестиция муҳитини яратишга хизмат қилади.

Айнан шу сабабли ўз иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимини фаоллаштиришни истаган давлатлар халқаро тижорат арбитражини ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий жиҳатдан ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Шу сабабли бутун дунёда халқаро арбитраж халқаро савдо, тижорат ва инвестицияларнинг деярли барча соҳаларида ишбилармон шериклар ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг мақбул усулига айланган.

Бу ҳақда сўз борганда, мамлакатимизда 2021 йил 16 февралда "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун қабул қилингани таъкидлаш лозим. Қонунда халқаро тижорат арбитражга ҳал этиш учун топширилаётган низола, арбитражнинг ва арбитраж муҳокамаси бошқа иштирокчиларнинг иммунитети, арбитраж судининг мустақиллиги, суд аралашувининг чегаралари, суднинг ваколати, ёзма хабарларни олиш, эътироз билдириш ҳуқуқидан воз кечишга оид нормалар белгиланган.

Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги қонуннинг келишувига биноан тижорат ҳусусиятига эга бўлган ҳам шартномавий, ҳам шартномасиз ташқаро барча муносабатлардан юзага келадиган низола берилиши мумкин.

"Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун билан иқтисодий суд ваколатига 9 тоифадаги аризаларни

қўриб чиқиш киритилган. Мазкур аризаларни судга тақдим қилишда уларнинг шакли ва илова қилинадиган ҳужжатларга оид талаблар, ушбу тоифадаги ишларни қўриб чиқишнинг процессуал тартиби-қоидалари, муддатлари оид ҳуқуқий нормаларни белгилаш зарурияти мавжуд эди.

Шу муносабат билан Олий суд томонидан, қонунчилик та-

лашиш, даввони таъминлаш чорасини қўриш ёки уни ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар (арбитраж суди фаолиятига қўмаклашиш зарур бўлганда қўзғатилади); Арбитраж ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар (тарафлар арбитраж қароридан норози

тақдим этиши; Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар ариза судга келиб тушган кундан эътиборан 20 кунлик, даввони таъминлаш чораси билан боғлиқ ишлар эса, 1 кунлик муддатда қўриб чиқилиши; Арбитрни тайинлаш, рад этиш ёки унинг ваколати амал қилишини тугатиш, арбитраж суди юрисдикциясини аниқ-

боғлиқ қолган тоифадаги, яъни арбитрни тайинлаш, рад этиш ва бошқа ишлар арбитраж судига қўмаклашиш мақсадида қўзғатилиши сабабли улар бўйича давлат божи ундирилмайди.

Ўзбекистон 1954 йил 1 мартдаги "Фуқаролик процесси масалалари тўғрисида"ги Гаага конвенциясига ҳамда 1958 йил 10 июндаги "Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида"ги Нью-Йорк конвенциясига қўшилган. Бундан кўзланган мақсад — ривожланган давлатлар сингари халқаро арбитраж судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборатдир.

Арбитражнинг ҳал қилув қарори тегишли тараф томонидан ихтиёрий ижро қилинади ёки Нью-Йорк Конвенциясига мувофиқ, у қайси мамлакатда қабул қилинганидан қатъи назар, ундирувчи томондан ваколатли судга ёзма илтимоснома берилган тақдирда арбитражнинг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва мажбурий ижрога қаратиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, янги қонуннинг қабул қилиниши халқаро тижорат арбитражини ривожлантириш, арбитрни муҳокамаси институтининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган давлат судларини ҳамкорлик механизми жорий этишга хизмат қилади.

Нурали МҲМИНОВ, фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди судьяси

Ҳуқуқий маърифат

Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар

уларни судга қўришга оид янги қонуннинг мазмун-моҳияти

шаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Парламентга киритилди. Ушбу қонун жорий йил 16 май кун қабул қилинди.

Янги қонун билан Иқтисодий процессуал кодексида иқтисодий судлар томонидан қўриладиган арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар рўйхати белгиланди. Улар жумласига қўйилган киритилди:

Арбитрни тайинлаш, рад этиш ёхуд унинг ваколатлари амал қилишини тугатиш ёки арбитраж суди юрисдикцияси масаласи юзасидан қарор қабул қилиш тўғрисидаги ишлар (тарафлар арбитражи ёки арбитраж судининг ваколатлари бўйича келишувга эришмаганда қўзғатилади); Далилларни олишга қўма-

лаш ёки унга далилларни олишга қўмаклашиш билан боғлиқ ишлар арбитраж судига қўмаклашиш мақсадида қўзғатилиганини инобатга олиб, улар бўйича иқтисодий суднинг ажримни устидан шикоят қилинмаслиги;

Даввони таъминлаш чораси, арбитраж ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки уни ижрога қаратиш билан боғлиқ ишлар тарафлар манфаатларига бевосита таъсир қилиши, арбитрни муҳокамаси институтининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган давлат судларини ҳамкорлик механизми жорий этишга хизмат қилади.

Шу билан бирга янги қонун билан "Давлат божи тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгаришга асосан арбитраж ҳал қилув қарори юзасидан қўриладиган арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларнинг аксарияти арбитраж суди фаолиятига тааллуқли бўлганлиги сабабли манфаатдор шахслар аризаларни арбитраж жойлаган жойдаги иқтисодий судга

бир гуруҳ бўлиб олдиндан тил бириктириб жиноят содир этганлигини эса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб баҳолади. Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уларга нисбатан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Мамлакатимизда ноқонуний қурол сақлаш ҳамда қурол савдоси тақиқланган. Бундай ҳаракатлар хавфли жиноий қилмиш сифатида баҳоланган ва тегишли жазо тайинланишга асос бўлади. Буни ҳеч

Ғузурлик Икром Алиев (исм-шарифлар ўзгартirilган) ошлани, икки нафар фарзанднинг отаси бўлса-да, бирор-бир тайинлаш ишнинг бошини тутмади. Натijasда жиноят қўчасига кириб, сугланди. Энг ёмони, у бундан ўзига тегишли хулоса чиқармади. Аксинча, осон даромад топиш мақсадида яна жиноят содир этди.

Жиноятга жазо муқаррар!

Бароридан келмаган «савдо»

ви ов қуролига харидор излай бошлайди. Ниҳоят, харидор топилган, уни 800 минг сўм сотишга келишилди. Бироқ улар милтиқни сотишга ётган чоғида икки ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Шундан сўнг бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктирган ҳолда ов қуролини бошқа шахсга ўтказиш жиноятини содир этган ҳамтовокларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Суд судланувчиларнинг айбига иккоро ва қилмишидан пушаймонлиги, қарамоғида икки нафардан воёга етмаган фарзандлари борлигини жазони энгиллаштирувчи ҳолат,

бир гуруҳ бўлиб олдиндан тил бириктириб жиноят содир этганлигини эса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб баҳолади. Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уларга нисбатан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Мамлакатимизда ноқонуний қурол сақлаш ҳамда қурол савдоси тақиқланган. Бундай ҳаракатлар хавфли жиноий қилмиш сифатида баҳоланган ва тегишли жазо тайинланишга асос бўлади. Буни ҳеч



қачон унутмаслик керак. Наврўз АШУРОВ, жиноят ишлари бўйича Ғузор тумани суди раиси

ИХТИЛОФ

Суд очерки



Шу ўринда воқеа тафсилотларини баён этиш баробарида баъзи ҳолатларга оиднилик киритиш лозим. Гап шундаки, Б.Мирзажонов калтақлики, ўғирлаб кетишларидан уч-тўрт кун муқаддам Бекзодга "Мен М.Жонқобилов билан ўртамакдаги суҳбатларнинг барчасини ёзиб олганман, агар қарзимни бермас, бу ёзувларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага топшираман", дейди. Шундан сўнг Бекзод Б.Мирзажоновни бу ниятидан қайтаришга уринди ва М.Жонқобиловдан пулни олиб беришга ваъда беради.

Уша кун Б.Мирзажонов тақсидида кетаётганда Бекзодга М.Жонқобиловдан катта микдордаги қарзини ҳали ҳам олиб бермаганини эслатганди.

Бекзод ўз навбатида, М.Жонқобиловдан ҳозирча 1 минг АҚШ долларини олганини айтиб, уни олиб кетиш учун учрашувга қақирганди.

ди: Ф.Нишонунинг бошқарувидаги "Малибу-1" русумли автомашина орқа ўриндиғига Б.Мирзажоновни уриб-калтақлаб ўтказишган, Ф.Раҳимов билан Б.Жумаев унинг икки ёнидан жой олишди. Улар Б.Мирзажоновни С.Азмидиновга тегишли шахар четидаги ташландиқ ҳовлига олиб келишди. Бу ерда Ф.Нишон, Ф.Раҳимов ва Б.Жумаев жабранувчини яна аёвсиз калтақлашди.

Орадан кўп ўтмай ховлига Б.Сайридиноунинг "Спарк" русумли автомашинасида М.Жонқобилов ва У.Искандаров етиб келишди. Чақон аҳволдаги Б.Мирзажоновни энди Ф.Нишон, Б.Жумаев, Ф.Раҳимов ушлаб туришди, М.Жонқобилов эса, таёқ билан аёвсиз уради.

Рўй берган воқеалардан мутлақо беҳабар С.Азмидинов тасодифан ховлидидан хабар олгани келганида, бегона кимсаларга қўзи тушиб, уларга тезда бу ердан кетинлар, дейди.

Шундан сўнг Ф.Нишон, Б.Жумаев ва Ф.Раҳимов Б.Мирзажоновни ўзларининг жиноий шериги У.Искандаровга тегишли, шу маҳаллада жойлаган чорвачилик фирмасига олиб бориб, яна дўппуллашди. Бироздан сўнг улар жабранувчини яна С.Азмидиновнинг ташландиқ ховлига олиб келиб, қўлоёғини боғлаб қўйишди.

Аслида жиноятчилар Б.Мир-

зажоновни жароҳатлари тузалгунча қадрар тутқунликда сақлаб туриш ва шу йўл билан жиноий жавобгарликдан қутулиб қолишни режалаштиришганди. 3.Бойқобилово онаси билан икки ишлар бўлимига ёрдам сўраб борган пайтада улар Б.Мирзажоновни судланувчи Ф.Нишонунинг рақами яширилган телефони орқали қўнғироқ қилиб, ўзининг Тошкентда экани ҳақида ёлгон хабар беришга мажбур этишганди.

Эртаси кун Б.Мирзажонов ўзини қўриқлаётган Ф.Нишонга танасидаги жароҳатлар қаттиқ оғриқ бераётгани, шунинг учун шифохонага бормаса, бўлмаслигини айтади. Уни алдаб, таниш шифокорларига илтимос қилса, икки ишлар идорасига хабар қилмаслиги а шонтиради.

Шу тариха Б.Мирзажонов Ф.Нишон билан Самарқанд шахар темирйўл тизимига қарашли шифохонага боришди. Шифохонада Б.Мирзажонов тибиёт ходимларидан ёрдам сўрайди. Натijasда Ф.Нишонунинг қўлидан қутулган муваффақ бўлади.

Тергов ва суд жараёнида жиноят тафсилотлари тўлиқ ойдинлашди. Жумладан, судланувчи Б.Сайридиноунинг "Спарк" русумли автомашинаси кўздан кечирилганда 0,85 грамм "опий" гиёҳвандлик моддаси ҳам топилди. Б.Сайридиноун ушбу гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда келгусида истеъмоладан савлаб келаётгани аниқланди.

Суд судланувчи М.Жонқобиловни Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми "и" банди, 28, 137-моддаси 2-қисми "б, в" бандлари ва 28, 138-моддаси 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлигида айбдор деб топди. Судланувчи Б.Сайридиноовни Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми "и" банди, 137-моддаси 2-қисми "б, в" бандлари, 28, 138-моддаси 2-қисми "а" банди ва 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган деб ҳисоблади.

Шунингдек, судланувчилар Ф.Нишон, Ф.Раҳимов, Б.Жумаев, У.Искандаров Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми "и" банди, 137-моддаси 2-қисми "б, в" бандлари ва 138-моддаси 2-қисми "а" бандларида кўзда тутилган жиноятларни содир қилганлигида айбдор деб топилди. Суд М.Жонқобиловга нисбатан саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Судланувчи Ф.Нишон етти йил олти ой, Б.Сайридиноов етти йил, Ф.Раҳимов олти йил олти ой, Б.Жумаев олти йил икки ой ва У.Искандаров олти йил умрини темир панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Шоҳиди бўлганнингиздек, нопок йўл билан топилган бойлик охир-оқибат ихтилофига сабаб бўлди.

Ориф ПАРДАЕВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шахар суди раиси Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" муҳбири

Моҳият

Янги қонун кўп квартирали уйларни бошқаришга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакики, ҳозирги пайтда мамлакатимизда 39 минг 265 та кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, шундан 22 минг 65 таси 3 минг 753 та уй-жой мулкдорлари ширкати ва 14 минг 28 таси 324 та бошқарувчи ташкилот, 1 минг 765 таси бевосита мулкдорлар ва ташкилотлар томонидан бошқарилади.

Сўнгги беш йил давомида кўп квартирали уй-жой фондини сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш соҳасида 37 мингдан ортиқ кўп квартирали уйлардан фойдаланишнинг техник хавфсизлик қоидаларига риоя этиш ўрганилганда, 61 минг 677 та ҳолатда кўчмас мулк эгалари томонидан уй-жой фонди ва унга таш ҳудудларда ўзбошимчалик билан қурилмалар барпо этилган аниқланган ҳамда ушбу ҳолатлар юзасидан кўчмас мулк эгаларига мажбурий кўрсатмалар берилган.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўра, аниқланган ноқонуний қурилмалар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига ҳузурдаги уй-жой фондида фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан мажбурий кўрсатма бериш ёки суд орқали бартараф этилади.

Бироқ судга ўзбошимчилик билан қурилган ноқонуний қурилмаларни мажбурий тартибда бартараф этишга оид аризалар тақдим этиш учун давлат божи тўлаш шартлиги амалиётда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда уй-жой мулкдорлари ширкатлари кўп квартирали уйга ташар участкасини ободонлаштириш бўйича ҳамда аҳолига бошқа хизматлар кўрсатилган ва ишлар бажарилган тақдирда хизматлар кўрсатиш учун тегишли солиқ тўловларидан озод этилган бўлиб,

бошқарув ташкилотлари фаолиятига нисбатан ушбу имтиёزلар татбиқ этилмаётгани турли тушунмовчиларни юзага келтирмоқда.

Амалиётда учраётган бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида ушбу янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодекслари ҳамда "Давлат божи тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Янги қонун билан киритилган ўзгаришлар коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан, кўп квартирали уйларни сақлаш ва ундан фойдаланишда қонунбузрилиқ ҳолатларининг олдини олиш, кўп квартирали уйлардаги муҳандислик-техник коммуникацияларини ва унинг конструктив қисмлари таянч қобилияти ва зилзилага бардошлилигини сақлаб қолиш ҳамда кўчмас мулк эгаларининг хавфсиз яшашига шароит яратишга хизмат қилади.

Бундан ташқари ушбу янгиликлар натижасида кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг молиявий барқарорлиги таъминланиб, бу борада рақобат муҳити яратилади ҳамда аҳолига самарали сервис хизматлари кўрсатилади.

Энг муҳими, қулай яшаш ва фаолият муҳити йўнғилигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг тизимли равишда амалга оширилиши аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш баробарида аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга ҳисса қўшади.

Бир сўз билан айтганда, қонунчиликка киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини яхшилаш ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган.

Матлуба ҒАНИЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Қилмиш-қидирмиш Нафс ва тузоқ

бу икки ибора орасида ўзаро боғлиқлик бор

Ҳаётда қонун талаби, инсонийлик меъёраарини қасдган қўпол тарзда бузаётган кимсалар ҳам йўқ эмас.



Масалан, урганчилик Охун Билоловни ана шундай кимсалар тоифасидан десак, хато бўлмайди. У ҳали ёш: 1994 йили туғилган, ўрта-маҳсуз маълумотга эга. Оилали, бир нафар фарзанднинг отаси. Лекин мустақил ҳаётга қадам қўйиб, оқ-қорани таниган чоғида билиб-билмай эмас, балки атай жиноий қилмишга қўл урди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакики, одамзот боласининг багри кенг. У анча-мунча қу-

сур-нуқсонлардан қўз юмши, тўғри йўлдан адашганларни кечирishi мумкин. Бироқ қасддан, гаразли ниятда содир этилган кирди-корларни кечирмайди, аксинча, бундай тубан йўлга қирганларни ўзига эл санамайди. О.Билолов жиноий қилмишга нафақат ўзгаларини, балки ўз яқинларини ҳам чув туширишдек гаразли ниятда қўл урди.

(Давоми 4-бетда) ►

Кутлов

Касбга садоқат

таниқли ҳуқуқшунос
Савронбек Турсунов 70 ёшга тўлди

Жиззах вилоятининг тоғли хуудларидан бири бўлмиш Фориш туманида туғилиб ўсган Савронбек Турсунов ёшлигидеёқ ҳуқуқшунослик касбини эгаллашни ният қилди.



Ана шундай қатъий қарор боис у 1971 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Дастлаб Жиззах тумани прокуратурасида иш ўрганувчи бўлиб иш бошлаган ёш мутахассис бир неча йил терговчи сифатида фаолият юритди. 1980 йилда у Жиззах вилояти суди судьяси этиб тайинланди, 1982 йилга қадар вилоят судида судья, Галларол тумани суди раиси ва зифаларида ишлаган чоғларида интилувчанлиги, ҳалоллиги ва касбига садоқати туфайли бой тажриба тўплади. Шу боис у Олий суд судьялигига тайинланди. 1990 йилда у Жиззах вилояти суди раиси сифатида иш бошлади. Уша кезларда собиқ иттифоқнинг қонунлари маънан эскиргани, давлат қурилиши соҳасида юзага келган инқироз ва ихтимолий вазият ҳақида турли уюшган жиноий гуруҳлар пайдо бўлган эди. Юртимиз муқталибларга эришганидан сўнг уюшган жиноий гуруҳларга қарши қатъий кураш бошланди. Таъкидлаш жоизки, жиноий гуруҳларнинг ишларини судларда қўриш ҳам осон кечмади. Мана шу оғир вазиятда Савронбек Турсунов жиноятчиларга қонуний жазо тайинлашни таъминлади. Шундан сўнг уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятига чек қўйилди.

Етти йил давомида Жиззах вилояти судида самарали фаолият юритган Савронбек Турсунов 1997 йилда Самарканд вилояти суди раиси лавозимига тайинланди. Янги лавозимда ҳам у одил судловни таъминлаш ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, суд ҳодимларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Кўплаб шогирдларга устозлик қилган тажрибали Савронбек Турсунов 2002-2006 йилларда Ҳарбий суд раиси ўринбосари, 2006-2013 йилларда Ҳарбий суд раиси ва зифасида фаолият юритди. Ҳарбий суддаги фаолияти давомида ҳам кўплаб шогирдлари тарбиялаб, одил судловни таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Фидокорона меҳнати ортидан биринчи малака даражаси судья, биринчи даражали адлия маслаҳатчиси махсус унвонларига эга бўлган Савронбек Турсуновни кўпчилик меҳрибон устоз ва тажрибали ҳуқуқшунос сифатида ҳурмат қилади. Унинг касбига бўлган садоқати ёш ҳуқуқшунослар, судьялар ва суд ҳодимлари учун ибрат намунаси.

Убайдулла МИНГБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист



Мозийдан садо

Дунё хирожига тенг жавоҳир

«Бошланиши 1-бетда»

1398 йилда Хиндистонни забт этган Соҳибқирон Амир Темур катта хазиналар қатори ушбу қимматли жаҳоҳирни ҳам қўлга киритади. Табиийки, Соҳибқирон бу жаҳоҳирнинг тарихи билан ҳам қизиққан, унинг ғайриоддий хусусиятлари ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлган. Бу жаҳоҳир Соҳибқиронга ёқиб қолади ва унга сайқал бериб, ўз тоғига ўрнатади. Тошга араб алифбосининг султ хатида "Амир Темур Қўрагон" номини ёздирди. Айрим маълумотларга кўра, ушбу жаҳоҳир тош умрининг охирига қадар буюк саркарданинг тожини беэзаб турган. Бу қимматбаҳо тош 1407 йилда Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳрух Мирзога ўтган. Тошда унинг исми борлиги ҳам бу маълумотни тасдиқлайди. 1447 йилда ёқут Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдорига айланган Мирзо Улуғбекка ўтган ва унга "Мирзо Улуғбек ибн Шоҳрух" сўзларини ўйиб ёздирган.

Жаҳоҳир кейинчалик Эрон ва Озарбойжонда ҳукмронлик қилган сафавийлар саройига бориб қолади. Буни жаҳоҳирдаги Шоҳ Аббос (1587-1629) исми ҳам тасдиқлаб турибди. Аммо тош қандай қилиб сафавийлар қўлига тушгани аниқ эмас. Эҳтимол, Шоҳ Исмомил Сафавий 1510 йилда Мовароуннаҳрни эгаллаган пайти бу жаҳоҳирни ҳам олиб кетган бўлиши мумкин.

Шоҳ Аббос кейинчалик бу жаҳоҳирни бобурийлар сулоласи вакили Жаҳоҳирга туҳфа қилган. Ўз навбатида, Жаҳоҳир ҳам тошга ўз исми ва отасининг исмини ўйиб ёздирди. Афтидан, бунгача яна бир қанча исмлар бўлган. Лекин ниимагадир Жаҳоҳир уларни ўчиртириб, ўз отини уларнинг устидан ёздирди.

Шундан сўнг жаҳоҳирнинг ўғли Шоҳ Жаҳоҳн қўлига ўтади. У тошда ўз исмига Соҳибқиронни соний (иккинчи соҳибқирон) унвонини ҳам қўшиб ёздирди. Шоҳ Жаҳоҳннинг ўғли Аврангзеб кўзғолон кўтариб, тахтни эгаллайди ва отасининг барча хазиналари унинг ихтиёрига ўтади. У ҳам аввалги ҳукмдорлар аънанасига амал қилиб, жаҳоҳирга ўз исмини дарж эттирди. 1739 йилда Хиндистонга бостириб кирган Нодиршоҳ Афшар бобурийларнинг қимматбаҳо хазиналари, жумладан, "Қўҳнур" билан бирга "Темур ёқути"ни ҳам ўзи билан олиб кетди.

Афғонистон давлатининг асосчиси Аҳмадшоҳ Дурроний исмининг ҳам тош сиртида учраши кейинчалик бу қимматли жаҳоҳир унга тегишли бўлганини аңглади. Маълумки, давстлав Нодиршоҳнинг жасур саркардаларидан бири бўлган Аҳмадшоҳ 1747 йилда Афшарлар салтанатининг бир қисмини эгаллаб, Афғонистон давлатига асос солади. Демак, у Нодиршоҳ қўши-

нинг катта қисмини ўз тарафига оғдириб олиш баробарида Афшарларнинг каттагина бойлиги, жумладан, афсонавий жаҳоҳирни ҳам ўзи билан олиб кетган.

Ёқутнинг кейинги тақдир афсонавий "Қўҳнур" билан бирга кечди. Чунки Аҳмадшоҳ хазинасида "Хирож олам" "Қўҳнур" билан бирга сақланган.

1773 йилда Аҳмадшоҳнинг ўлиmidан сўнг тахтга унинг ўғли Темуршоҳ ўтиради ва пойтахтни Кобулга кўчиради. Темуршоҳдан сўнг тахт ва у билан бирга хазина унинг ўғилларидан бири Замон Мирзога ўтади. Кўп ўтмай унинг укаси Шужоулмулк давлат тўнтаришини амалга ошириб, акасини ҳибсга олади ва қимматбаҳо тошларни қўлга киритади. Аммо салтанат унга вафо қилмади. Навбатдаги тўнтариш сабабли унинг тахтини укаси Маҳмуд эгаллайди. Бир амаллаб мамлакатдан қочган Шужоулмулк оиласи билан Лаҳоҳ роҷаси Ранжит Сингхнинг ҳузуридан бошлана топади. "Панжоб арслони" номини олган Ранжит Сингх аввалига



Шужоулмулкни очик чеҳра билан қутиб олади, унга бошлана беради. Аммо собиқ ҳукмдор ўзи билан жаҳоҳндаги энг машҳур тошларни ҳам олиб юрганини эшитиб, уларни куч билан тортиб олади. Ранжит Сингх умрининг охиригача бу икки жаҳоҳирни эҳтиёткорлик билан сақлайди. Унинг ўлиmidан сўнг салтанат парокандаликка учрайди.

1849 йили Лаҳоҳрни инглизлар босиб олади. Лаҳоҳ хазинаси "Қўҳнур" ва "Темур ёқути" билан бирга Англияга жўнатилади. Бошқа бир тахминга кўра, бу тошларни роҷанинг ўғли валиаҳд Диллип Сингх ҳарбий ҳамкорлик эвазига қиролича Викторияга ўз қўли билан соғва қилган.

1853 йилда "Темур ёқути" қиролича Виктория учун махсус ясалган зебаргонга беэза сифатида ўрнатилган. Айна пайтада "Темур ёқути" Букингема саройидаги "Хиндистон хонаси"да сақланмоқда.

Рустам ЖАБОРОВ,
филология бўйича фалсафа доктори

Ғизиқарли фактлар

Қорақалпоғистондаги Устюрт кенгликлари ер юзининг энг ажабтоғур ва сирли ғўшаларидан бири ҳисобланади. Чунки бу ерда бутун дунё олимларининг эътиборини тортиб келаётган улкан найзалар жойлашган.

Устюрт бағридаги синоат

ёқуд «Найзасимон иншоот»ларни ким қурган?



Улар шу қадар аниқликда барпо этилганки, буни шунчаки табиат ҳодисалари таъсирида юзага келганига ишониб мушкул. Ердан юзлаб метр балангликда яққол кўзга ташланадиган узундан-узун бу ўйиқлар қандай вази-фани бажарган? Ана шу са-волга жаов топш мақсадида ўтган асрнинг 70—80-йил-ларида дунё микёсида кўплаб олимлар илмий таҳминларни илгари суришди. Айримлар уларни ўзга сайёралар билан барпо этган деган бўлса, бошқалар юксак тамаддуд колдиклари сифатида баҳо-лашди. Бироқ ҳозиргача бу борада бирор-бир аниқ тўх-тамга келинган йўқ.

Ўртача узунлиги 600-900 метр, эни 400-600 метр, чу-қурлиги 3 метргача бўлган сирли иншоотлар дастлаб 1952 йили таниқли олим Сергей Толстов раҳбарлиги-даги Хоразм археологик экс-педицияси томонидан аниқ-ланган. Олимларнинг ҳисоб-қисоблари кўра, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркма-нистон ҳудудида 120 дан ор-тиқ ана шундай сирли ша-кллар мавжуд.

Археолог олим В.Ягодин-нинг фикрича, найзасимон-нинг курилмалар қарийб икки минг йил давомида (милод-дан аввалги V-II асрлардан то XIV асргача) бўлган давр мо-байнида қурилган ва фойда-ланган бўлиши мумкин.

Бу иншоотлар жойлашган Устюрт платосида умргуза-ронлик қилиш жуда қийин бўлиб, ҳаёт кечириш учун би-ринчи навбатда сув керак. Бундай шартда ёгингарчи-лик обиҳаётнинг асосий ман-баи ҳисобланади. Шу боис айрим тадқиқотчилар найза-симон объектларни қадимда кўчманчи қабилалар сув тўп-лаш учун қурган бўлиши мум-кин, деган фикрни билди-ришган.

Бундай иншоотлар овчилик мақсадида яратилган, деган тахминлар ҳам кенг тар-қалган. 1825-1826-йилларда Орол ва Каспий денгизлари оралиғидаги ерларга уюш-тирилган Ф.Берг бошчилиғи-даги илмий экспедиция ма-териалларида бу ҳудудда кулон, ёввойи от ва сайғоқ-лар кўплиги, улар узунлиги 300-400 метр, чуқурлиги 3-4 метр келадиган махсус ўзан-лардан тош билан қурилган кўрага ҳайдаб киргизилиши ва қўлга олиниши баён этил-ган. Бундай қўралар қадим-да "аран" деб аталган. Аран-нинг атрофида бир неча мах-сус чуқурчалар бўлиб, чети-га учли қилиб кесилган қа-миш поялари қотирилган. Бу ўлжанинг қочиб кетолмасли-гини таъминлаган. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғо-тит-турк" асарига "аран" сў-зи оғил, кўра, отхона синга-ри маъноларда ишлатилган-ни туркий халқлар аранлар-дан қадим замонлардан буй-дай фойдаланиб келганини ис-ботлайди. XVIII асрнинг маш-хур тарихчиси, Хива хони

Наска суратларини ҳам худди Устюртдаги сингари ерда юрганда пайқаш қийин. Уларни ҳам камида қўш пар-вози балангликда яққол олиш мумкин. Бу геоглиф-ларнинг асосий қисмини қўш, маймун, ўргимчак, гул кўринишидаги ўнлаб сурат-лар, минглаб тўри чизиқ-лар, учбурчак, трапеция ва спирал кўринишидаги тас-вирлар ташкил этади. Ушбу тасвирлар платонинг юза қисмига тахминан бир метр кенликдаги, ўртача 25-30 сантиметр чуқурликдаги ўйиқлар ёрдамида чизилган бўлиб, уларнинг катталиги турлича. Масалан, қолибри кушининг узунлиги 30 метрга тенг бўлса, калтакесак тас-вири 188 метрдан иборат.

Олимлар ушбу тасвирлар милoddан авалги II асрдан XII асргача бўлган даврда чи-зилган, деган тахминни ил-гари суришган. Мазкур тас-вирлар ҳам нима мақсада ва қай усулда ясалгани ҳақида бир-бирини инкор этадиган тахминлар мавжуд. Маълумотларга кўра, Нас-ка саҳросидаги суратларни кўриш учун ҳар йили Перуга миллионлаб сайёҳлар кела-ди. Мамлакат бундан ўртача 3 миллиард доллардан ортиқ фойда кўради. Вақти келиб, Устюрт кенгликларидаги су-ратлар ҳам дунёнинг турли ҳудудларидан минглаб сай-ёҳларни юртимизга жалб қилса, ажаб эмас. Зотан, Уст-юрт худудида Пулжа, Беле-уги, Алан, Давкескен каби қадимий ва ўрта асрларга тегишли карвонсаройлар, қалъа-қўрғонлар сақланиб қолган бўлиб, улар ҳар қан-дай кишининг эътиборини тортиши шубҳасиз.

Интернет материаллари асосида Тоғир ИСМОИЛОВ тайёрлади.

«Бошланиши 3-бетда»

Бўёғини сўрасангиз, у жиноий кирдикорнинг фариб аталмиш кўчасига 2018 йилда кирди. Даставвал таниши У.Отабоевнинг кўйинга қўл солди. Ҳазини ҳоҳатбарор ҳомий сифатида кўрсатди. Буни қаранги, ўша дамда У.Отабоев шундай устодом одамнинг ма-дадига муҳтож эди.

Унинг мақсади Америкада-ги олий ўқув йортларидан би-рида ўқиб, билим олиш эди. Унинг орзуи О.Билоловнинг нафсини жунбушга солди. Шунинг учун у бундай ишларни хамирдан қил суғургандек бир зумда бажаришини айтди. Ас-лида ўрта маълумотли мута-хассис бўлса-да, Англиянинг машҳур Шиллер университети-да таҳсил олгани, айна кезде нафузли вазирликда иш ўр-ганувчи ходим вазифасида иш-лаётгани, шу боис хориж ҳаё-ти, шу жумладан, АКШдаги таълим тартиби ҳусусида ҳам етарлича маълумотга экинани айтиб, ёлғонни қойилмақом тарзда ростга дўндирди. Шунингдек, у гап орасида "бундай нозик иш" 14 минг АКШ дол-лари эвазига битишини писан-да қилиб ўтди. У гапининг ис-боти тариқасида вазирлик то-монидан берилган ҳизмат гу-воҳномасини кўз-кўз қилиб кўрсатди. Соддадан У.Отабоев унинг сўзларига лаққа ишобди, ҳатто у шундай уддабуррон та-ниш топангидан қувонди.

У.Отабоев шубҳа-гумон ва истиҳолани бир четга сурди. Айтилган маблағни бир йўла эмас, балки бўлиб-бўлиб тў-лашга изн сўради. Таклиф қа-бул қилинди. О.Билолов кели-шилган 14 минг АКШ доллари миқдоридagi маблағнинг дастлабки 4 минг доллари ўша йилнинг феврал, яна шун-ча миқдордаги маблағни ора-дан яна бир неча кун ўтгач, қуртдай санаб олди. Қолган 6 минг АКШ доллари фарибгар-нинг чўнтағига 2018 йилнинг

сентябрь ойида келиб тушди. 14 минг АКШ долларини қўлга киритган фарибгар орадан 8 ой вақт ўтган бўлса-да, оғиз кўпиртириб берган ваъдаси-ни бажаришга шошилмади. Аниқроғи, у ваъдасини унут-ди-ю, бошқа бир фарибгар-ликнинг изига тушди. Бу қил-миш 2018 йилнинг ёзида — бир ойлик ҳарбий сафарбар-лик ўқув машғулоти пайтида



ридан дарак бўлмади. Р.Ота-жонов ўз қўли билан берган қарзини сўрашдан ор қилмади. Буни қаранги, қарздор ҳам бўш келмади. Пул ўрнига "қа-фоллати ва беминат хизмат" ни таклиф қилди: дўстини Питнак шаҳарчасидаги авто-мобилсозлик заводига ишга жойлаб қўйишга ваъда берди. Бу орада Хива туманидаги Гандимён қишлоғида яшовчи

кўмағида ишга жойлаштирил- га ҳақида алдаб, чув туширган-ди. Қисқаси, хийлагарнинг чап чўн- тағига кирган бир минг АКШ доллари қайтиб чиқмади.

Энг қизиги шундаки, бу фи- рибгар кимса навбатдаги ту- зоқни танишлари эмас, балки яқин қариндошлари йўлига қўйди. Бу вақтга келиб, алдов ва фарибнинг роса ҳадисини олган О.Билолов ўз яқинлари- нинг "оғирини енгил қилиш"га бел боғлади. Ўша дамда бутун дунёга ёйилган коронавирус хуружи боис хоржий давлат- ларда ишлаш имкониятидан бебаҳра қолган Ж.Юсупбоев ва унинг 2 нафар ҳамроҳини чет элга ҳеч бир монеликсиз жўна- тиш ва ҳар учовини авиачипта билан таъминлашга ваъда бер- ди. Фарибгар кимса чипталар- нинг умумий нарҳини миллий пулмиизга 18,2 миллион сўм деб белгилади. Бу орада чи- таларни қўшимча тўлов — 200 АКШ доллари эвазига "рас- мийлаштириш" зарурати ҳам юзага чиқди. Бир неча ойдан буён чипта илинжида тўрт то- мон югуришса-да, хануз бирон- бир натижага эришмаган учовлон фарибгарнинг барча талабига рози бўлишди. 18,2 миллион сўм миқдоридagi маблағ ва 200 АКШ доллари "ҳожатбарор"нинг чўнтағидан жой олди. О.Билолов бу пул- ларни қўшқўллаб олди, бироқ чиптадан ҳам, пулдан ҳам да- рак бўлмади.

Мақоламмиз аввалида "Нафс ва тузоқ" иборасини сарлав- ха ўрнида беҳизга ҳукмингиз- га ҳавола этмадик. Зеро, зикр этилганидек, бу икки сўз бир- бири билан ўзаро боғлиқ. Ва ўз вақтида жиловланмаган нафс кишини муқаррар ту- зоққа етказилади. Нопок йўл билан топилган лўқма эса, ҳеч қачон буюрмайди. Нафсини жиловлай олмаган киши уд- дрилганидек, тузоққа тушади.

Алқисса, бу сингари қисмат охири-оқибат нафс бандаси

О.Билоловнинг ҳам оёғидан чалди. Унинг жиноий қилми- ши гувоҳи бу жабрланганлар ҳамда уларнинг қоний вакил- лари тарафидан рад этиб бўлмайдиган далиллар асоси- да исботлан бўлиши мумкин.

Суд унинг У.Отабоевдан 14 минг эмас, балки 5 минг 600 АКШ доллари миқдорига пул олгани ҳақидаги иттифоқчи алоҳида текширди. Охири- оқибат жабрланувчи ва гувоҳ- лар ҳақ бўлиб қийшди. Бу бо- радаги даъво қиймати асли- ча қолди. Суднинг ҳукмига му- вофиқ О.Билоловдан фуқаро- вий даъвогар У.Отабоевнинг фойдасига 147,4 миллион сўм, Р.Отажонови фойдасига 5,3 миллион сўм, Й.Саиджоновга 10,5 миллион сўм, Ю.Рўзимов- тоев (жабрланувчи М.Бақдур- диевнинг вакили)га 3,1 милли- он сўм, Ж.Юсупбоевга 8,2 мил- лион сўм, Г.Бобожоновага (М.Бобожоновнинг вакили)га 6,1 миллион сўм, М.Матназаров (Т.Матназаровнинг вакили)га ҳам 6,1 миллион сўм миқдо- ридagi зарарни ундириш мажбурияти юклатилди. Шунингдек, жабрланувчиларга ет- қизилган маънавий ва бошқа зарарларни қоплаш учун фуқа- ролик судига мувожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди. О.Било- лов 5 йил муддатга озодлик- дан маҳрум этилди.

Муродбек ХАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Урганч шаҳар суди раиси

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икром МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ЖАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54
E-mail: kуч-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-515 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6641
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁵⁵.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Боз муҳаррир: Шодикул ЖАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: